
Иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг таркиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддасига асосан иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқароларнинг мунозаабларига асосан иқтисодий судлар томонидан иқтисодий ишлар кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 40-моддасига биноан суд, ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиларидир. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 41-моддасига кўра, Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ўз зиммаларига юклатилган ваколатларга кўра, шунингдек Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган алоҳида тоифадаги ишлар бўйича аризачилар ҳамда бошқа манфаатдор шахслар ишда иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилади. Иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга: - иш материаллари билан танишиш; - иш материалларидан кўчирмалар олиш; - иш материалларидан кўчирма нусха олиш; - судга рад қилиш тўғрисида ариза бериш; - далиллар тақдим этиш; - далилларни текширишда иштирок этиш; - саволлар бериш; - илтимосномалар киритиш; - арз қилиш; - судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш; - ишни кўриш давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, ҳулосаларини тақдим қилиш; - ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳамда Иқтисодий процессуал кодексида ўзларига берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ишда иштирок этувчи шахслар Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эга ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши керак. Корпоратив низода иштирок этаётган тарафлар бир-биридан ва гувоҳлардан судда кўрилатган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни сўраб олиш ҳуқуқига эга, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

Риштон туманлараро иқтисодий суди раиси Эргашев У.Х.

2022-04-01 06:45:23